

Мунира АЗАМАТ қизи

# ҲАЙРАТ

Шеърлар

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2005

84(59)6-5 Ўзб. бад. ақд. —

## Шеърлар


Шеър - кўнгил мулки. Бу мулки борлиқни кимдир ёрқин ифодаларда, кимдир эса... бир сўз билан айтганда, салоҳияти даражасида тасвир этади.

Мунира Бозорованинг шеърларида Ватанга муҳаббат, устоз ва онага эҳтиром, дўстлик ва садоқат туйғулари мадҳ этилган.

10 322 93  
091

Б 4702620202-67 67-2005 М.Бозорова.2005-й  
376(11)2005

ISBN 5-7323-0507-2



## **«ҲАЙРАТ»НИНГ СИЙРАТИ**

Илм мутолаасига киришиб, ижод қаламини қўлга олган ёшларнинг иқтидорига бир назар ташлаганингда ҳайратланасан, киши.

Қўлимда Мунира Азамат қизи (Бозорова)нинг «Ҳайрат» номли илк ижод намунаси турибди-ю, негадир, шулар хаёлимдан кечди. Бир қўлда шам, бир қўлда қалам деганларидек, Мунира қизимиз ҳам бир қўлда илм излаш, бир қўлда назм қаламини тутиб пешкашлик қилиши, гарчи бу ижод йўли нечоғли машаққатли бўлмасин, барибир, хурсанд бўлдим. Тўғриси, бугун ёшларнинг илмга чанқок, ўзига хос шижоаткор, фидойи, билимдон ва анчайин изланувчан қатлами кўтарилган тўлқиндек «бостириб» келаяпти. Бу тўлқин, иншооллоҳ, хайрлидир.

Мунира ҳам ана шу тўлқиннинг ичида ўз йўлини ўзи яратиб, ўзи йўл очиб келаётган ёшлардан бири. Унинг «Ҳайрат»идан ана шуларни туйиш ва илғаш мумкин. Айниқса, Муниранинг шеърларида инсон портретига чизгилар, Ҳаққа интилиш, Ватан ҳисси ва мустақилликни мустаҳкамлашга бўлган фидойилик, эътиқод юксакликлари каби соф инсонийлик туйғулари устуворлик қилади. Унинг шеърларида осмон-осмон орзулар, пок туйғулар у билан бирга яшайди. Шеърдан-шеърга, мисрадан-мисрага кўчади.

Мен шоира қизимиз Муниранинг ижодига янада парвоз, янада умрбоқийлик ва катта йўлга оқ йўл тилайман.

**Хусанжон Амин Ғузорий,**

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, болалар шоири.**

## **ВАТАН**

Ватан битта, она ягона,  
Уни асло ажратолмайман.  
Иккиси ҳам буюк дурдона,  
Қалбдан мудом қўмсаб толмайман.

Меҳрибон онасан эй азиз Ватан,  
Катта-ю кичикнинг ҳаёт бешиги.  
Сенга бахшидадир бутун жон-танзим,  
Сендан кўрк олган жаннат эшиги.

Бутун умрим бахшида сенга,  
Шоядки мен узолсам қарзим.  
Тупроқларинг тўтиё менга,  
Ҳаётманки, қиламан таъзим.

## **FUZORIMGA QASIDA**

Гўдакликдан ҳавасим тортди,  
Азиз юртим бокира умри.  
Жон-танзимга муҳрдай ботди,  
Ақлим олди покиза нури.

Фузорим, сен ҳамиша дилда,  
Ўтмишингни излайман доим.  
Тарихларинг ҳозирча тилда,  
Онам каби меҳринг мулойим.

Тебратсам гар уйқу бешигин,  
Ўз умримдан розилигим бу.  
Шояд очсам тилсим эшигин,  
Муродимга етганим ҳам шу.

\*\*\*

Ипак йўлин белбоғисан,  
Ардоғимсан, Фузорим.  
Халқим кўзи-қароғисан,  
Яшнайвергин, Фузорим.

Топдинг камол истиқлолдан,  
Орзуларинг йўлдошдир.  
Ватан обод истиқлолдан,  
Ризқ мўл, ҳалол нон-ошдир.

Шукронам бор, хайрихоҳ  
Сабру қаноат, бардош.  
Меҳнат ҳалол, Ҳақ ҳам огоҳ,  
Оқибатдир кўзу-қош.

Ардоқлайди сени аҳдинг,  
Пок меҳнатинг хирмони.  
Юксакликлар сенинг шаҳдинг,  
Халқимнинг йўқ армони.

\*\*\*

Мени мафтун этар қадим Фузорим,  
Аждодларим хоки - мисли гулзорим.  
Шарқу Фарб белбоғи бўлган она юрт,  
Кечмишлар қаҳридан бўлганди унут.

Узоқ йил эгилди қадди-қомати,  
Дийдордан ажралди кўп одам зоти.  
Бошларга ёғилди маломат тоши,  
Талон-торож бўлди пок нону-оши.

Оналар сарсондир фарзанд ахтариб,  
Ўзгалар қўлида оталар ғариб.  
Инсонлар ғурури пулга сотилди,  
Адолат истаган дарҳол отилди.

Шукрким, йўқолди қарғалар, зоғлар,  
Булбул овозидан яшнади боғлар.  
Шукрким, яшнади Фузорим яна,  
Мангу яшнайверар Фузорим яна.

### **ТАВАЛЛО**

Мирижандада ётар авлиё,  
Қалбим айтар: «У тирик доим».  
Дил кечмишим ҳеч эмас рўё,  
Кўз ёш томар секин, мулойим.

Тилларимга қуйилар калом,  
Эригандай тупроқ, тош, метин.  
Секингина дейман ассалом,  
У Шайх Умар ибн Шаҳобиддин.

## **ҚАДИМ МАДРАСА**

Ақлим олар қадим мадраса,  
Тенги йўқдир, кўркам шунчалар.  
Гумбазлари чиройли роса,  
Нур таратар ярим ой - қамар.

Ўз-ўзимга бераман савол,  
Бу юртимнинг қадим навоси.  
Ҳақ асрасин, бўлмасин увол,  
Роҳатбахшдир ҳатто ҳавоси.

Ҳаяжон-ла дедилар бобом,  
Ўттиз учта бўлган хонаси.  
У тарқатган ҳақдан илм-калом,  
Мактабларнинг катта онаси.

Узоқ йиллар хўрланган эди,  
Мана, яна кўтармоқда қад.  
Истиқлолим ғамини еди,  
Обод бўлар мадраса албат.

## **КИТОБ**

Менинг севганим китоб,  
Қалбим нурлари офтоб.  
Севиб-севиб ўқийман,  
Баъзан шеър ҳам тўқийман.

Кўймайман ҳеч қўлимдан,  
Адаштирмас йўлимдан.  
Қаҳрамонлик изи шу,  
Мактаб қизу-ўғли шу.  
Умидларим кўп, катта,  
Ҳақ етказар албатта.

## ҲАЙРАТ

Мақтабдан келиб синглим,  
Мени кучоқлаб олди.  
Ниманидир яширди,  
Қўли орқада қолди.

Бир кўрай десам, кулиб  
Қани дейди севинчи.  
Такрорлаб тўлиб-тўлиб:  
Сиз ҳам мендай бўлинг-чи.

Рақсга тушиб бугун,  
Қойил қилдим барчани.  
Қўлимдаги бу тугун,  
Мукофоти арчанинг.

Ҳа, бир ҳайратда қолдим,  
Кучоқлаб ўпиб олдим.



## ШОИРАГА

Онам бўлинг, устозим бўлинг,  
Тил-дилларим, устозим бўлинг.  
Ақлу идрок торим чертганда,  
Умрим бўйи чин созим бўлинг.

Инсон қалбин куйчиси сизсиз,  
Ўрناق олар ҳар бир ўғил-қиз.  
Умид, ишонч неъматидан,  
Ошиқ банди демайди эссиз.

Шеърларингиз - олов, ёнаман,  
Чақириқсиз, қулоқ соламан.  
Туну-кунлар қўлимда китоб,  
Сабоқларни сиздан оламан.

Шоирасиз, айтиш-ку осон,  
Шояд бахшиш этолсам дoston.  
Овозингиз машриқ-мағрибда -  
Илҳақ мудом, ҳатто Ер-осмон.

## **ҲАҚ УЧУН**

Ҳақ йўлига кирганлар,  
Аямас саховатин.  
Ҳимматини билдирмас,  
Айтмас зурриёд - зотин.

Чақа берса бировга,  
Эълон қилгувчилар бор.  
Шуни сенга бердим деб,  
Дилларга берар озор.

Ўнг қўли берганини,  
Билмаслигин чапи ҳеч.  
Англаб етамиз қачон,  
Маъносини эрта-кеч.

## **СИНГЛИМГА**

Сингилгинам, эргаш ортимдан,  
Қалам берай, қўлларингга ол.  
Насиб этсин Ҳақ йўлин чиндан,  
Сўзларимга сен-чи қулоқ сол.

Ватанни сев, ардоқла уни,  
Тупроқларин эт доим тавоб.  
Илм эгалла, ўқи кун-туни,  
Кадрламоқ - буюк бир савоб.

Она юрт ҳам олқишлар ҳар дам,  
Арзандам деб атагай доим.  
Меҳринг бўлур бақувват, бардам,  
Қалбларинг ҳам майин, мулойим.

\*\*\*

Нега шам бўламан бўлмасдан чироқ,  
Нурларим порласин оқу-қорага.  
Дўстларим юрмасин мендан ҳеч йироқ,  
Шояд малҳам бўлсам бир қалб ярага.

Ногирон қўлидан тутсам бир бора,  
Қувват бўла олса биргина сўзим.  
Инсон деб эсласалар мени ҳам зора,  
Розиман муҳтождан узмасам қўлим.

### **ИККИ ГУЛ**

Боғимизда ўсган икки гул,  
Эрта туриб қўл узатаман.  
Бири чаман, бирлари булбул,  
Бош эгганча жим кузатаман.

Дадам дейман бирин опичлаб,  
Сарвиқомат онамдир бири.  
Чарчамайман сув бериб, ишлаб,  
Меҳрим олар синоат - сирини.

Бу асрордан хабар бер, Оллоҳ,  
Нелар айтар гуллар тақдири.  
Кувонаман, пичирлайман гоҳ,  
Узоқ бўлсин уларнинг умри.

## **МЕҲРИБОНИМ**

Меҳрибоним, қутлайман сизни,  
Омон бўлинг, толманг ҳеч қачон.  
Меҳрибони - уч ўғил, қизи,  
Соябонсиз чинордек чунон.

Кошкйди мен узолсам қарзим,  
Бош устига кўтарсам шояд.  
Асло бўлмас армоним, арзим,  
Илтижоим қалбимдан ғоят.

Волидамиз улуғладик биз,  
Ҳақ олдида қарздормиз доим.  
Ҳеч демайлик билмайман, эссиз,  
Ҳар икки қалб бўлсин мулойим.

## **ОРЗУЙИМ**

Орзуйим инсон бўлмоқ,  
Халққа асл фарзанд бўлмоқ.  
Куну-тун билим олсам,  
Қалбимга қулоқ солсам.  
Касб-ҳунар эгаллай деб,  
Халқ, Ватан ғамини еб.  
Ажралмайин устоздан,  
Пок дил, пок тил, овоздан.  
Пок бўлса гар дўст-ёрим,  
Дилда қолмас армоним.

## УМИДИМ ҲАҚ

Дугонам деб ушладим,  
Дўстим бўлгин ҳамиша.  
Севдим, кўнглим хушладим,  
Ҳамроҳ бўлсин андиша.

Тирикман, қалбимдасан,  
Адашганда йўриқчи.  
Туну-кун лабзимдасан,  
Ёмонлардан қўриқчи.

Сўрайман Оллоҳимдан,  
Сендан ажратмасин ҳеч.  
Хабар ол аҳволимдан,  
Умидим ҳақ эрта-кеч.

## РОСТ АЙТАЙ

Дугонажон, шу бугун,  
Соғинтирдинг мени кўп.  
Уйга таклиф қилгандим,  
Бораман дегандинг, хўп.

Кириб-чиқиб кўчада,  
Куни бўйи кўз тутдим.  
Ухламай тун кечада,  
Соғинчим ичга ютдим.

Хавотир олдим сендан,  
Нималардир бўлди-ку.  
Бир қўнғироқ қилмадинг,  
Тоқатларим сўлди-ку.

- Фақат сен бил, рост айтай,  
Нотаниш бир хат олдим.  
Хаёл олиб қочди-да,  
Сенга келолмай қолдим.

## **ТУРНАҚАТОР**

Турналар қаторини,  
Мен хайрат-ла кузатдим.  
Бир-бир санаб борини,  
Сўнг қалбга қўл узатдим.

Сон-саноғи жуда кўп,  
Тартибли ёзар қанот.  
Барчаси текис, бир тўп,  
Ақлли экан бу зот.

Ўтмас биридан-бири,  
Олдинда бошчиси бор.  
Шудир яхшилик сири,  
Ҳақ экан турнақатор.

## **ҚЎЗИЧОҒИМ**

Онасин кўрмай қолса,  
Маърайди қўзичоғим.  
Ҳатто овутолмайди,  
Қўлдаги қўғирчоғим.

Ўт бераман ачомлаб,  
Қайрилмайди, боқмайди.  
Лабларига қўйсам лаб,  
Бош силкийди, ёқмайди.

Бобомга айтсам агар,  
Дейдилар: «Ўхшар сенга.  
Йиғлама, десам сен кар -  
Қулоқ тутмайсан менга».

## **ХҶРОЗИМ**

Хўрозим бор хабарчи,  
Дони мўл, ошиғ олчи.

Ейди қўлимдан овқат,  
Оёқ патлари қат-қат.

Ёнимдан кетмайди ҳеч,  
Мен-ла бирга эрта-кеч.

Силкинар патин тараб,  
Доимо менга қараб.

Мен ҳам дарҳол сўзлайман,  
Муддаосин кўзлайман.

Секин силаб бошини,  
Эркалайман тожини.

Тез-тез кичқириб қўяр,  
Менинг меҳримдан тўяр.

\*\*\*

Дўстлар ахтараман қалбим титкилаб,  
Топиб ололмайман юракка яқин.  
Ошкор ҳайқираман, баъзан шивирлаб,  
Баъзида ҳаттоки овозим чақин.

Кошкийди тополсам дил қарогим,  
Фидо айлагим бор жисму жонимни.  
Қаердан ахтарай дўст яроғини,  
Ўзгага атамасман бирор онимни.

Умрим бахшидадир покликка мудом,  
Илҳақ-ла сафидан жой олсам дейман.  
Шоядқи қолдирсам мен ҳам яхши ном,  
Демакки, охират ғамини ейман.



## ТЎРТЛИКЛАР

Чумолига бир боққин,  
Ундан ахтар ҳикматни.  
Туну-кун йиғар ризқ-рўз,  
Кутмай ўзга ҳимматни.

\*\*\*

Чамандаги атиргул,  
Сенга ошиқдир булбул.  
Хонишдан нола қилиб,  
Бош эгар гўёки қул.

\*\*\*

Сиз жонажон онасиз,  
Фарзандим деб ёнасиз.  
Шўхлигин кўриб баҳам,  
Меҳрларга қонасиз.

\*\*\*

Буюксан сен, эй китоб,  
Тунда ой, кундуз офтоб.  
Олам илмининг нури,  
Ҳар сатринг бир моҳитоб.

\*\*\*

Ҳа, нур сочди истиқлол,  
Бу ҳалқим учун иқбол.  
Орзу-умид таянчи -  
Умр бўйи яйраб қол.

Устоздан сабр олдим,  
Талабалик йилларим.  
Қалбимга меҳрин солдим,  
Бурродир дил, тилларим.

\*\*\*

Кўп бўлсин дўстинг доим,  
Лек сарала, сайлаб ол.  
Қалбингни эт мулойим,  
Яхшилик-ла абад қол.

\*\*\*

Дўстандан қийин ажралиш,  
Кечириб тур ҳамиша.  
Тушмасин бошга ташвиш,  
Қўрқоқликмас андиша.

\*\*\*

Саховатинг кўр баҳам,  
Яхшилик топсин инсон.  
Тезда қайтар сенга ҳам,  
Шундай эҳтиром, эҳсон.

\*\*\*

Қийин аҳволга тушса,  
Дўст учун бўлгин мадад.  
Севиниб сени қучса,  
Камтар бўл, бу зўр одат.

## МУНДАРИЖА

«Ҳайрат»нинг сийрати.....	3
Ватан.....	4
Фузоримга қасида.....	4
Тавалло.....	6
Қадим мадраса.....	7
Китоб.....	7
Ҳайрат.....	8
Шоирага.....	9
Ҳақ учун.....	10
Синглимга.....	10
«Нега шам бўламан...».....	11
Икки гул.....	11
Меҳрибоним.....	12
Орзуйим.....	12
Умидим ҳақ.....	13
Рост айтай.....	13
Турна қатор.....	14
Кўзичоғим.....	14
Хўрозим.....	15
«Дўстлар ахтараман...».....	16
Тўртликлар.....	17

АДАБИЙ- БАДИИЙ НАШР

**БОЗОРОВА МУНИРА**

**ҲАЙРАТ**

Шеърлар

Ўзбек тилида

Муҳаррир:З.Омонова

Техник муҳаррир:Ч.Раҳмонов

Мусахҳиҳа:З.Омонова

ИБ0899

Теришга 21.11. 2005 йилда берилди. Босишга 21.11. 2005 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Шартли босма табоғи 1,05. Шартли бўёқ-отт. 1,11. Нашр босма табоғи 0,46. 105-2005- шартнома. 204-буюртма. 100 нусхада. Эркин нархда

“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси  
хузуридаги “Матбаа” цехида чоп этилди.

730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.